

Шошилмаслик Аллоҳдандир. Шошқалоқлик шайтондандир | Тазкия дарслари (344-дарс)



19:00 / 06.09.2025 1695

Аллоҳ таоло Расули Муҳаммад алайҳиссаломни ҳеч бир ишда, ҳаттоки Қуръон тиловатида ҳам шошмасликка буюради:

﴿عَلَّمَآ زِدْنِي رَبِّ وَقُلِّ وَحْيُهُ إِلَيْكَ يُفَضِّحْ أَن قَبْلِي مِنَ الْقُرْآنِ تَعَجَّلْ وَلَا الْحَقُّ الْمَلِكُ اللَّهُ فَنَعَلَى﴾

«Ҳақ Подшоҳ - Аллоҳ олий бўлди. Сенга ваҳийси битмасидан, Қуръонга ошиқма ва: «Роббим, илмимни зиёда қилгин», дегин» (Тоҳа сураси, 114-оят).

Ҳақиқий Подшоҳ - Аллоҳ таоло бутун борлиқдан олий - устун бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унутиб қўйишдан хавфсираб, ваҳий нозил бўлган пайтда Қуръони Карим оятларини Жаброил алайҳиссаломга қўшилиб ўқиб турар эдилар. Бу эса қийинчилик туғдирарди.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Расулини хотиржам этиб:

«**Сенга ваҳийси битмасидан, Қуръонга ошиқма**», демоқда.

Яъни «Эй Муҳаммад, сенга Жаброил ваҳийни охиригача ўқиб бермагунича, Қуръонни тиловат қилиб, оятларни ўқишга шошилма. Олдин Жаброил тўлиқ ўқиб берсин, кейин сен ўқийсан.

«**Роббим, илмимни зиёда қилгин**», дегин.

Шу дуонинг ўзи кифоя қилади.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَجْمَعِينَ وَيُطَهِّرَ كَلِمَاتِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَعْلَمُونَ﴾ ﴿١٦﴾ ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُرِئَ الْقُرْآنُ فَذُكِّرُوا لَهُ﴾ ﴿١٧﴾ ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُرِئَ الْقُرْآنُ فَاسْتَمِعُوا لَهُ وَأَنْصِتُوا لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ﴾ ﴿١٨﴾ ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُرِئَ الْقُرْآنُ فَاسْتَمِعُوا لَهُ وَأَنْصِتُوا لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ﴾ ﴿١٩﴾

«**Унга шошилиб, тилингни у ила қимирлатма. Албатта, у(Қуръон)ни жамлаш ва ўқиб бериш Бизнинг зиммамизда. Бас, Биз уни ўқисак, қироатига зеҳн солиб тур. Сўнгра уни баён қилиб бериш ҳам Бизнинг зиммамизда**» (Қиёмат сураси, 16-19-оятлар).

«Биз Қуръонни сенга етказаётганимизда унутиб қўймайин деб, қўшилиб ўқиб турма.

Сўнгра сенга тушуниш мушкул бўлган жойини, ҳукмларини, маъноларини баён қилиб бериш Бизнинг зиммамизда».

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос ушбу оятлар маъносида қуйидагиларни айтганлар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нозил бўлаётган оятларда оғирлик сезар эдилар. Бирор нарсани ўтказиб юбормасдан, ёдлаб олиш мақсадида у билан тиллари ва икки лабларини қимирлатиб турардилар. Шунда Аллоҳ ушбу оятларни нозил қилди.

Ана шундан кейин қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига Жаброил алайҳиссалом келсалар, бошларини қуйи солиб, жим тинглайдиган бўлдилар. Бас, қачон Жаброил кетсалар, Аллоҳ қандай ваъда қилган бўлса, ўшандоқ ўқир эдилар».

«Мени Аллоҳ ва Унинг Расули хуш кўрадиган икки хислатли қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин», деди».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

عَضُّوْا اِذَا: لَاقِمْ لَسَوْهَ لَعَلَّ لَاصِيَّ بِنَلَا نَع، اَهْنَعُ لَلِ يَضَرَّ شَيْءٌ اَنْعَنْ
اَوْ ذَبَّ اَفْءَاشَعْلَا مٌ دُقْ اِذَا: ةِ يَ اَوْرِي فَو. «ءَاشَعْلَاب اَوْ ذَبَّ اَفْءَاشَعْلَا مٌ دُقْ اِذَا
يُذَمَّرْتَلَا وَاِنْ اَخِيَّ شَلَا هَاوْر. «مُكْتِ اَشَعْنَعَنْ اَوْلَجَعْت اَلْوَبْرَعْمَلَا ةِ اَلصَلْبِ قَوْب

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон кечки таом қўйилса ва намозга иқома айтилса, кечки таомдан бошланглар», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Қачон кечки таом тақдим қилинса, шом намозидан олдин ундан (таомдан) бошланглар. Кечки овқатингиз деб (намозда) шошилманглар», дейилган.

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

اي: لَلْبَل لَاقِمْ لَسَوْهَ لَعَلَّ لَاصِيَّ بِنَلَا نَع اَوْ ذَبَّ اَفْءَاشَعْلَا مٌ دُقْ اِذَا: ةِ يَ اَوْرِي فَو. «ءَاشَعْلَاب اَوْ ذَبَّ اَفْءَاشَعْلَا مٌ دُقْ اِذَا
يُذَمَّرْتَلَا وَاِنْ اَخِيَّ شَلَا هَاوْر. «مُكْتِ اَشَعْنَعَنْ اَوْلَجَعْت اَلْوَبْرَعْمَلَا ةِ اَلصَلْبِ قَوْب

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Билолга:

«Эй Билол, қачон азон айтсанг, азонингни шошилмай, чўзиб айт. Қачон иқома айтсанг, тезлаб айт. Азонинг билан иқоманг орасида таом еувчи таомидан, шароб ичувчи шаробидан, қистаниб қолган кириб, қазои ҳожатдан фориғ бўлгунча вақт қўй», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

